

ИСЛОМ КАРИМОВ:

ШХТ ҳамкорлигининг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити арафасида Хитой Халқ Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбарининг интервьюси ХХРнинг марказий ССТВ-1 телеканали, етакчи ахборот маҳкамаси - "Синьхуа" агентлиги, нуфузли "Жэньминь Жибао" газетаси, Бутунхитой радиоси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Қуйида ушбу интервью эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Савол: Хурматли Президент жаноблари, аввало қимматли вақтингизни аямий, биз билан учрашишга рози бўлганингиз учун Сизга чукр миннатдорлик изхор этамиз. Ижозатингиз билан саволларга ўтсак. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига беш йил тўлди, Сиз мазкур тузилманинг бу даврдаги фаолиятини қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

Жавоб: Ушбу фурсатдан ҳамда Хитойнинг энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб турганимдан фойдаланиб, мамлакатимизга ва буюк хитой халқига ўзининг хурмат-эҳтирอมларини изхор этмоқчиман.

ШХТни таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар бундан беш йил муқаддам айнан Шанхайда, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги Хитойнинг ўзига хос тими сола бўлган шарҳда имзоланганида чукр рамзий маъно бор, деб ўйлайман.

ШХТ тузилганидан кейин ўтган 5 йил давомида ҳамкорлигининг деярли барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди, ташкилот умумэтироф этилган халқаро тузилма макomini олди, унинг аҳамияти ва таъсир кучи эса минтақа доирасидан ташқаридан ҳам сезилмоқда.

Ўтган бу тарихан қисқа даврда ШХТ нафақат ўзининг яшовчанлигини кўрсатди, балки сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача - барча масалаларни ўз

Тараққиёт жамғармаси ҳам бу ишга салмоқли ҳисса қўшади.

Савол: Ўзбекистон ШХТга аъзо давлат сифатида ушбу Ташкилот доирасидаги ҳамкорлики янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрмоқда?

Жавоб: Биз ШХТга аъзо давлатлар ўртасида қарор топган ҳамкорлигининг фаолиятини умуман юксак баҳолаймиз. Ҳозирги вақтда аъзо мамлакатлар иқтисодиётида, минтақанинг бой минерал-ҳомашё захираларини ўзлаштириш соҳасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятларга эга.

Биз сармоявий ҳамкорлики фаолаштиришда транспорт коммуникацияларини тараққиёт этириш, минтақанинг бой сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлиги каби минтақадagi ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қила оладиган ва ҳал қилиши шарт бўлган иқтисодиёт йўналишларини ўз вақтида ривожлантириб бориш, шунингдек, мавжуд ижтимоий муаммолар устуворлик касб этиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон террорчилик, айирмачилик ва экстремизм каби хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш бўйича ташаббусларни илгартириб, муайян чора-тадбирлар кўрмоқда. Жорий йилнинг март ойи бошида Ўзбекистон ҳудудида ШХТ доирасидаги илк қўша аксилтеррор машқлар ўтказилди. Юксак касбий маҳорат даражасида ўтган бу машқлар хавфсизлик органлари фаолиятининг яхши мувофиқлаштирилгани, уларнинг террорчиликка қарши биргалликда курашиш борасидаги азму шижоати ва қатъиятини намойиш этди.

Бу ўринда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Тузилма қатъият билан аниқ амалий ишларни бажаришга киришди.

Ижтимоий жаҳада биз таълим соҳасидаги ҳамкорликини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Яхши биласизки, ҳар қандай мамлакатнинг тақдирини ва келажагини таълим даражаси билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, ШХТнинг бўлажак саммитида Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишини қўллаб-қувватлаймиз.

Савол: Ўзбекистон ШХТни ривожлантириш истиқболини қандай тасаввур этди? Сиз ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Шанхайда бўлажак навбатдаги учрашувидан қандай натижалар кутмоқдасиз?

Жавоб: ШХТ истиқболли ҳақида гапирганда, ташкилотимиз тузилганига ҳали бор-йўғи беш йил тўлганини унутмаслик лозим. Бизнингча шуниси муҳимки, ўтган бу йиллар давомида ШХТ шаклланиб улгурди, тузилмавий жиҳатдан мустақамлашиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди.

Биз айни пайтда йўл бошида эканлигимизни ҳам яхши англаймиз. Ҳали иқтисодий жаҳада ҳам, хавфсизлик соҳасида ҳам, бошқа кўпдан-кўп йўналишларда ҳам талай иш қилишимиз керак. Ўзбеклар "Юрган - дарё" дейдилар.

Хаёт тақрибиси шундайки, йўлдошлар ахил-иноқ бўлса, уларнинг мақсад-муддаолари муштарак бўлса, ҳар қанча узок йўл ҳам машаққатли туолмайди. Босиб ўтган йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, кўп нарсаларга эришдик, деб бемалол айтиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлири ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 10800 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 21395 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 10800 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 21395 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 12960 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгиланган қўшимча, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилагара берилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргалликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва таълим мақсадлари ва таълим олаётган ходимларининг мансаб маошларининг миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетини ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия

ган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Хўжалик ҳисобидидаги қорхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушидиган солиқ юки даражасини пассивлари ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги ПФ-3659-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатлари қайта ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир hafta мuddатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 июн

Хавфсизлик ҳамжиҳатлик билан таъминланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов 12 июн куни Оқсаройда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордожани қабул қилди.

Учрашувимиз Евроисий иқтисодий ҳамжамиятининг Минскдаги саммити олдидан бўлиб ўтмоқда, - деди давлатимиз раҳбари. - Шу нуқта назардан қараганда, охириги учрашувимиздан кейин сиз кўп иш қилганингиз, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатларнинг деярли барчаси раҳбарлари билан учрашганингиз муҳимдир.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлаштириш, бу борада ҳамкорлиқни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган минтақавий тузилма бўлиб, айни пайтда унинг фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан аъзо ва кўшни давлатлардаги соҳа раҳбарлари ҳамда экспертларининг фикрлари ўрганилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашга, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга доир масалаларни ҳал қилишда кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади.

Оқсаройдаги учрашувда халқаро ва минтақавий миқдосдаги долзарб масалалар муҳожама қилинди. Таҳдидларнинг олдини олишда, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳамжиҳатлик билан иш юритиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги истиқболлари, шунингдек, мазкур ташкилотнинг минтақа ва жаҳонда содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқадиган бугунги геосийсий вазиятга мослашувида оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

10 июн куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўзининг давом эттирди.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг иккинчи иш куни «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошланди. Муҳожамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга ҳамда хўжалик низолари ўз вақтида ҳал қилинишини таъминлашга қаратилганини кўрсатиб ўтдилар. Сўзга чиқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан ўзига берилган мутлақ ваколатларни амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг улар раҳбарлик қилаётган идоралар фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини тинглади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқди.

Сенаторлар Бош прокурорнинг ҳисоботини батафсил муҳожама қилиш жараёнида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

дан келиб чиқадиган вазифаларни бажариб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан ўзига берилган мутлақ ваколатларни амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг улар раҳбарлик қилаётган идоралар фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини тинглади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқди.

Сенаторлар Бош прокурорнинг ҳисоботини батафсил муҳожама қилиш жараёнида

нида Прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш соҳасида муайян ишларни олиб бораётганини қайд этдилар. 2005 йилда иқтисодиётни эркинлаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, кишлоқ хўжалигида олиб бораётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишга, шунингдек, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида

амалга оширилаётган илохотда прокуратуранинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни секинлаштириб қўядиган коррупция ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши кураш соҳасида муайян ишлар қилинди. Мана шу фаолият натижасида жиноятлар туфайли етказилган 61 миллиард сўмликдан кўпроқ моддий зарар ундирилиб, давлатга қайтарилди.

Сенаторлар ўз чиқишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорлар ва фермерларнинг

ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижро этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг самарадорлигини оширишда устувор йўналиш эканлигини таъкидладилар.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглаб, сенаторлар бу идора атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширганлигини кўрсатиб ўтдилар. Вазирликлар, идораларнинг табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, табиати муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назорати олиб бериломоқда.

ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ижро этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг самарадорлигини оширишда устувор йўналиш эканлигини таъкидладилар.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглаб, сенаторлар бу идора атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширганлигини кўрсатиб ўтдилар. Вазирликлар, идораларнинг табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, табиати муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назорати олиб бериломоқда.

(Давоми 2-бетда)



Қаршида 2-республика хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг совриқлари - "Дамас" автотомобиллари спартакиадага энг яхши тайёргарлик кўрган Тошкент шаҳри, мусобақаларни юқори даражада ташкил этган Қашқадарё вилояти, хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилган Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларига топширилди. Шунингдек, Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Чироччи туманидаги 37-маҳсул мактаб-интерни ва Қашаши туманидаги Меҳрибоний уйига ҳам "Дамас" автотомобиллари берилди.

СУРАТЛАРДА: спартакиададан муваффақиятдорлар.

Ватан десам...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талов,
Бу диёрнинг қайвониси ою қуёш.
Ватан десам қўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг захматлари, тақдирлари,
Хаётининг бор ҳикмат, ҳам тадбирлари,
Эй, онамнинг тупроқина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанин зар тўнига энг этмишдир,
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир,
Яратганин ўзи бугун тенг этмишдир
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир - Бобурми ё?
Хиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўне,
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам қўрсин дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талов,
Бу диёрнинг қайвониси ою қуёш.
Ватан десам қўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмоқ хасад экиб умрларга,
Дилни ўраб ғараз, риё - кўмирларга?
Хавас қилиб яшанг улуг Темуларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

(Давоми 4-бетда)

Баҳслар қизгин тус олмоқда

Ватан десам...

Бу диёрнинг айвонлари нурга талов,
Бу диёрнинг қайвониси ою қуёш.
Ватан десам қўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Тирикликнинг захматлари, тақдирлари,
Хаётининг бор ҳикмат, ҳам тадбирлари,
Эй, онамнинг тупроқина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанин зар тўнига энг этмишдир,
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир,
Яратганин ўзи бугун тенг этмишдир
Асрларга онларини, онларини.

Бир суворий келмоқдадир - Бобурми ё?
Хиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўне,
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам қўрсин дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талов,
Бу диёрнинг қайвониси ою қуёш.
Ватан десам қўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.

Нечун ўтмоқ хасад экиб умрларга,
Дилни ўраб ғараз, риё - кўмирларга?
Хавас қилиб яшанг улуг Темуларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.

(Давоми 4-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИИИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM.RU

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усуд!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz



Хизмат тури кўпаймоқда

Мамлакатимиздаги йирик молия муассасаларидан бири — акциядорлик-тижорат "Галлабанк"нинг республикамиз иқтисодидеги алоҳида ўрни бор. Банkning Навоий минтақавий филиали жамоаси бугунги кунда давлатимиз галла мустақиллигига эришишига муносиб улуш қўшиш билан бирга, кичик ва ўрта бизнес соҳасига ҳам намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Имтиёзли кредит — мулкдорга мадад

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан 2006 йилда бошоқли дон етиштириш учун 83 та фермер хўжалигига 111,3 миллион, пахта ҳосили учун эса 130 нафар мулкдорларга 287,1 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажрати берилди. Натيجада воҳадаги кўплаб ширкат ҳамда 130 нафар фермер хўжаликлари ўз вақтида, ке-

ҳар мавсумдагидан кўп. Эндиги асосий вазифа шу ҳосилни нес-нобуд қилмасдан вақтида ўриб-ячиб, оморларга жойлаштириб олишга қаратилган. Ана шундагина деҳқоннинг кўнгли хотиржам бўлиб, нияти ушалади. Биз миқозларимизни бу мавсумда ҳам техника, ёқилги, минерал ўғитлар билан таъминлашга имкон қўмаклашиб келяпмиз. Фаёз Исмоловнинг алоҳида эътироф этишича, берилаётган кредит маблағларидан самарали фойдаланилаётганиги натижасида во-



чиктирмасдан ерга чигит экиб, уни ундириб олишди. Бугун йўл ёқаларидаги пайкалларда кўёшга талпинаётган гўзаларни кўриб кўзингиз қўнаб, дилингиз яйрайди. Ҳозир барча мулк соҳиблари пишиб етилган галла ҳосилини тез ва қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш ҳаракатида.

Деҳқоннинг пешона тери ва захматли меҳнати эвазига катта майдонларда халқимизнинг ризқ-насибаси бўлган галла ҳосили пишиб етилди. — дейди "Галлабанк"нинг Навоий минтақавий филиали бошлиғи Фаёз Исмолов. — Олтин тусли галлазорларда ҳосил

муайян ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда Капитал плюс, Барака, Кафолат, Люкс, Ишонч, Кувонч, Равнак, Бинафша, Жозоба, Хирмон номли мuddатли омонат турлари мавжуд бўлиб, улар миқозларга маъқул келмоқда. Жорий йилнинг биринчи май ҳолатига кўра мuddатли депозитларга 341 миллион сўм, мuddатсиз депозитларга эса 117 миллион сўм нақд пул маблағлари жамғурилди. Шулар туфайли иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши кўзга яққол ташланмоқда. Филиалнинг туманларда кўплаб кичик шохобчалари мавжуд бўлиб, ўз миқозлари — фермерларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Мулкчиликнинг бундай шаклида ерга муносабат тубдан ўзгариб, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга, имкони борица кам сарф-харажат билан пахта ва галладан мўл ҳосил олишга, чорва моллари махсусдорлигини оширишга эришилмоқда. Ҳозир вилоятда етиштирилаётган ялли бошоқли дон ҳосили ҳамда пахтанинг асосий қисми фермерлар улушига тўғри келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида банк ўз маблағлари ҳисобидан кўплаб фермерларга техникалар олиб берди. Масалан, Хатирчи туманидаги "Тобшотир бобо", "Акрам Акбаршоҳ" фермер хўжалиқларига МТЗ-80-11 рўсумли тракторлар сотиб олиш учун етарли миқдорда кредит маблағлари ажратди. Бундан ташқари, жорий йилда бошоқли дон махсусдорлигини тез ҳамда сифатли ўриш мақсадида Кизилтепа туманидаги "Ҳахонгир Зие" фермер хўжалигига ҳам "BERG SCT REITSN" ҳусусий корхонасига "Клас" — "Доминатор-130" рўсумли комбайнларига кредит маблағлари ажратилди ва ушбу техника-

лар ўз соҳибларига етказиб берилди.



лар ўз соҳибларига етказиб берилди.

Мижозлар мамнун

— Банк ходимларининг аниқ ва тез ишлаши менга жуда ҳам маъқул бўлди, — дейди Кизилтепа туманидаги "Ҳа-

рак. Агар банк кўмаги бўлмаганда, бундай ишга кўл уриш мумкин эди деб ўйлаясими?

— Бу миқозлар ишончини тўлиқ қозонган молия муассасаларидан бири десам аниқ эмас бўлган, — дейди Хатирчи тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Суннат Носиров. — Ҳозир туманимизда ушбу банкнинг миқозлари ишлаб турибди. Туманимиздаги кўплаб ташкилот ва фермерлар мазкур банкнинг миқозларини ҳисоблашмоқда. Қисқа фурсатда уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, молиявий томондан ўз қад-қадрилини тиклаб олишди.

Бундай илқик фикрларни банк билан ҳамкорликка киришган ҳар бир миқоздан эшитиш мумкин. Бунга банк ходимларининг миқозлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бераётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки, миқоз бу ерга келиб қонунчиликдаги ўзгаришлар билан танишиши, молия тизимида юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиши, ўзини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиши мумкин. Миқозларга янада қулайлик яратиш мақсадида шаҳардан олисда жойлашган

Ислоҳот

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан 2006 йилда бошоқли дон етиштириш учун 83 та фермер хўжалигига 111,3 миллион, пахта ҳосили учун эса 130 нафар мулкдорларга 287,1 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажрати берилди.

ҳонгир Зие" фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Рўзиев. — Йил бошида янги комбайн сотиб олиш учун зарур миқдорда кредит сўраб банкка келган эдим. Барака топгурлар, бизнес-режими, фойда олиш имкониятини билишган, пайсалга солмасдан маблағ ажратди. Ҳозир ян-янги ўрим комбайни ёрдамида ўз галламни саранжомлаб оламан. Қолаверса, бошқа фермер хўжалиқларига ҳам шартнома асосида хизмат кўрсатишни ўйлаб турибман. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, илқик фойда ҳам чакки бўлмаса ке-

Қарор ва ижро

Аукцион-мол бозори

Давлатимиз раҳбарининг "Шаҳсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирларини тўғрисида"ги қароридан келиб чиққан ҳолда Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, насли, зотдор қорамолларни қимомди савдоси орқали сотиш мақсадида Сирдарё туманида янги Аукцион-мол бозори очилди.

Тантанали тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов "Нафакат чорва бош сонени, балки наслини ахшиллашимиз, махсусдор, сервуст, гўштор молларни кўпайтиришимиз лозим", деди. Укам таъминланган оилалар вакилларига ҳимйлар томонидан ажратилган сизирларни топширди.

Шундан сўнг тўртта хўжалиқдан олиб келинган, қора-ола, швед, "Бушув" зотли сизир, гунажин, буқачалар аукцион бўлди. Аукционда 100 дан ошқ фермер, мол боқиш истагидида юрган фуқаролар қатнашди.

Қимомди савдоси кутулганидан ҳам зиёда ўтди. Мисол учун бошланғич нархи 690 минг сўм қилиб белгиланган зотли гунажин 1470 минг сўмга сотилди. Харидор — фермер Абдулла Рустамов.

Зотли молни қанчага олсангиз ҳам қўймайсиз, ўзини оқлайди, — дейди А.Рустамов. — Нархлар ҳам баланд бўлмади. Мухими, аукцион биз учун чорваимиз наслини ахшиллаш имконини берапти.

Эндиликда шу ерда ҳар ойнинг сақизиқчи кунин аса шундай аукцион қимомди савдоси бўлиб ўтади. Бундай аукцион — мол бозорлари яна учта туманда очилиши кўзда тутилган.

Ш.ХОЛМУРОДОВ, «Кишлоқ ҳаёти» муҳбири.

М.С.Турсунқўваева номли Тошкент тиббиёт билим юрти томонидан 2004 йили Қосимова Мувовақ Фотурова номига Ўзбекистон 071953 рақами диплом йўқлиги йўқлиги сабабли бекор қилинган.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "FORT-TRANZIT" ҳусусий корхонаси "FORT-TRANZIT" МЧКга айлантирилиши маълум қилади. "FORT-TRANZIT" МЧК ҳусусий корхонанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даволаб эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мўбодийда қабул қилинади. Тел.: 127-35-25.

Компания "Century ImpEx Corp." намерена приобрести акции просте именне ОАО "Кувшан" деймяялш буомлари заводи" расположеного по адресу: г.Ташкент, Сергелий район, Сергелий-3, ул.А.Ахматовой, в количестве 30, ул.12065 штук, что составляет 20% от Уставного фонда.

Денгиздек шовуллаб турган

бугдойпояларга ўроқ тушиди. Янчилган қаҳрабо дон хирмони кўрган миришкорнинг чарчоқларини чиқиб кетаяпти. Ахир меҳнат махсулидан масрур бўлмайдиган киши бўлмас... Тўғри, бу йил деҳқонлар учун осон кечмади. Айниқса, республикамиз жануби — Қашқадарё вилояти деҳқонлари учун. Табиат уларни яна бир бор синдири. Лекин кўни қўлган тадбирли деҳқонлар тани қолишмади. Пайкаллардаги бугдой бўлиқ бошоқлади. Бунинг замирида эса мислсиз меҳнат ётибди, албатта.

142 минг гектар сўғориладиган ерга уруғ сепаган қашқадарёликлар 615 минг 400 тонна қирмизи дон янчиб олиш



ниятидалар. Давлат хариди учун 354 минг 200 тоннага шартнома тузилган бўлса, шунинг 40600 тоннаси уруғлик дондир. Фалла ҳосилининг салмоқли қисми "Қашқадарёноммахсуслотлари" акциядорлик жамияти ва унинг худудий филиалларида қабул қилинади, қайта ишланади.

Корхона Қарши, Ғузор, Нишон, Чирокчи, Деҳқонобод туманидаги деҳқон фермерлар билан 129 минг 643 тонна товар дон, шунингдек 15363 тонна уруғлик дон харид қилиш учун контрактация шартномаси тузган. Урим-йиғим мавсуми аважига чиққан шу кунларда янчилган дон пешма-пеш қабул қилинмоқда. Вилоятнинг 12 нуктасида очилган жамият шохобчалари юқори суръат билан фаолият кўрсатмоқда. Негаки, бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик қўрилди. Мазкур шохобчалар замонавий лаборатория жиҳазлари билан тўлиқ таъминланди. Лаборатория ходимлари ва намуна олувчилар эса мавсум олдидан ўқув курсларида ўқиб қайтдилар. Бу уларнинг ҳозирги фаолиятларида қўл келаятганини узлари ҳам эътироф этишаётган. Мухими, эртанги ризқ-рўзимиз бўлган доннинг сифатини аниқлаш унинг яхши сақла-нишига эришилди. Галлани нес-нобуд қилмасдан ўриб-ячиб олиш эса бунинг биринчи шартидир. Кези келганда ай-тиш керак, вилоятда галла ўрим-йиғим мавсумини ушоқчилик билан ўтказиш мақсадида тайёргарлик ишларига анча барвақт киришилганди. Мавсумга жалб этилган 299 та юқори унумли комбайнлар, 285 та бошқа турли техника воситалари Республикаимиз Президентининг қарориде кўрсатилган мuddатда тахт қилиб қўйилди. Уларнинг залуқсиз ишлашини таъминлаш ниятида эса 444 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар захира этирилди. Бу йилги мавсумда Германиядан келирилган 36 та "Клас" рўсумли ўрим комбайнлари наин-

Сифрат — бош мезон

ки корхона мутахассисларини, балки деҳқонларни ҳам хурсанд қилмоқда. Чунки техникалар юқори унум билан ишлаши баробарида юқори сифат кўрсаткичларига ҳам эга. Уларнинг бети-тиними ишлаши, табиийки, таъминот корхоналари фаолиятига ҳам боғлиқ. — Шу боис узлуқсиз ишлашни таш-

ки туманлар худудида уруғлик тарка-тиш шохобчалари очилиб, уруғлик дон то деҳқон пайкали бошига етказиб берилди. Фақат бугина эмас, экин парвариши лойиқатда фермер хўжалиқларига компост тайёрлаб, шарбат усулида сўғортиш ишларида амалий ёрдам бердилар. Шу ўринда таъкидлаш керак.

Йил мавсумини пухта тайёргарлик билан қарши олишди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Дастлаб ходимлар ўқув курсларига бориб келдилар. Мавзуд 32 та транспортёрлар қуриқдан ўтказилиб, таъмирталлаблари ишга шай ҳолга келтирилди. — Бу йил галланинг "Уманка", "Ку-



ота-боболаримиз томонидан қўлланиб келинган ушбу усул афзалликлари бу йил яққол кўзга ташланди. Негаки, экинлар шарбат усулида сўғорилса, ҳам озуқа олади, ҳам нам сақлайди. Мухими, пар-лавланш қамайиб, нисбатан қуруқчилик келган бу йилгидек шароитда сувни иқтисод қилиш имконини берди.

Жараён

Ҳозир корхонада дон қабул қилиш ишлари бир маромда кетаяпти. Чунки дон қабул қилиш ва жойлаштириш схемалари пухта ишлаб чиқилган эди. Дон сақлаш сизимлари эса зараркунандаларга қарши ишловдан ўтказилган. Эндиги вазифа қабул қилинган уруғлик донни ажратилган махсус омор ва майдончаларга нав тозаланигини сақлаган ҳолда жойлаштиришдан иборат. Бу йил корхона 293 та фермер хўжалиги ҳамда 3 та ширкат хўжалиги деҳқонларидан 15365 тонна сара уруғ қабул қилиб олади.

Шу кунларда уруғ тайёрлашга икти-сослашган "Косон дон" маъсулияти чекланган жамиятида ҳам қайноқ иш даври бошланди. Жамият томонидан жорий йил жами 5250 тонна уруғлик қабул қилинади, унинг 1276 тоннаси корхона филиали "Муборакдон" маъсулияти чекланган жамияти ҳиссасига тўғри келади. Уруғлик тайёрлаш мураккаб, шунинг баробарида маъсулияти иш. Ахир олинажак ҳосил қўғи, қурилади-ган даромд қўри биринчи галда уруғ-ликка бориб тақаллади. Шу боис корхонада фаолият кўрсатаётган 120 нафар ишчи-хизматчи ўз ишига катта маъсулият билан ёндашди. Чунки ар-зимас эътиборсизлик оқибатида тува-ти бўлмас хатарлар келиб чиқши ҳу-қуқ эмас. Сирасини айтишда-ку, 2001 йилдан бун уруғлик тайёрлашга икти-сослашган ушбу жамиятда меҳнат қилаётган ходимлар ўз касбининг устаси бўлиб кетган. Жамият жамоаси ҳар



поя" навининг суперэлита, элита, шунингдек, "Андижон-2", "Андижон-4", "Зомин" навларининг суперэлита, "Старшино", "Интенсив" каби қатор элита уруғликларини қабул қилаяп-миз, — дейди "Косондон" маъсулияти чекланган жамияти директори Кел-диёр Ҳужаёров. — Уларни белгилан-ган тартиб-қоидалар асосида сақлаб, ишлов бериб, деҳқонларга келгуси йил ҳосили учун экишга ҳозирлаймиз.

Уруғлик дон тайёрлаш осон иш эмас, аввало, нав тозаланишига эришиш керак, — дейди биз билан сўбхатда жамият уруғ саралаш шеки бошлиғи Шаҳобз Донова. — Шунинг учун дон ерга экилгандан тўғри, янчиб оли-нганча назорат корхона зиммасида бўлади. Ҳосил пишиб етилган, алоҳи-да машиналарда ўриб олиниб, махсус майдончаларда сақланади. Маълум вақт ўтгандан сўнггина уруғ саралаш цехла-рида қайта ишланади. Андижондаги уруғчилик илмий-теқшириш институти билан ҳамкорликчи йўлга қўйиш ния-тидими. Мақсад — воҳа иқлим шаро-итига ҳар томонлама мос, юқори сифат кўрсаткичларига эга навлар яратилиши-га ҳисса қўшишдан иборат.

Ҳуллас, бугун қашқадарёлик галла-корлару соҳа мутахассислари, мута-садиларга ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Уларнинг зағу ишларидан қўзданган юксак мақсад — юртимиз аҳолисининг дон ва нон махсуслотла-рига бўлган эҳтиёжини қондириш ва экспорт салмогини янада оширишдан иборат. Уларнинг бугунги саяё-хара-катлари қўзланган ниятлар рўёбга чи-қишдан далолат бериб турибди.

Отабек ТОШТЕМИРОВ, "Ўздавдонинспекция" Қашқадарё вилоят худудий пункти бош инспектори. Уктамхон ХОЛДОРОВА, "Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

қишлоқ ва овулларда янги миқозлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликлар яратилган кичик шохобчалардан учтаси ҳозирда фаолият кўрсатиб ту-рибди. Қизилтепа тумани Уртачўл массивидаги "Уртачўл", Хатирчи тумани А.Ҳалимов номли фермерлар уюшмасидаги "Янгирабоб", Навоий шаҳри Гулистон мас-сивидаги "Хамза" миқозлари ана шулар жумласидан-дир. Филиал томонидан таш-кил этилган миқозларда миқоз ва омонатчиларни кўпайтириш борисида тарғи-бот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Банка миқоз-ларга кредит ажратиш, шу ма-сала бўйича бухгалтерия ҳисо-ботини юритиш, меъёрий ҳужжатлар талабларига тўлиқ риоя қилиш ва ишни шу асо-да ташкил этиш сингари му-ҳим вазифалар белгилаб олинган. Шунингдек, 2005 йилнинг декабр ойидан буюн "Money Gram" халқаро пул ўтказмалари фаолият кўрса-та бошлади.

Пластик карточка қулайлиги

Вазирлар Маҳкамаси қаро-рига асосан ҳамда нақд пул муомаласининг банкдан таш-қари айланмасини қисқарти-риш мақсадида миқозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйил-ди. Пластик карточка тўло-ларни амалга ошириш имко-ниятига эга бўлган нақд пул-сиз ҳисоб-китобнинг қулай шаклидир.

Пластик карточкалардан фойдаланиш шароитида пул оқимини қузатиш, назорат қилиш анча осонлашди. 2006 йилнинг 1 июн ҳолати-га кўра, банк томонидан ча-кана савдо ташкилотларига 23 та, умумий оватқатлини шо-ҳобчаларига 8 та терминаллар ўрнатилди. Бугунги кунда 31 та хўжалик юритувчи субъект-ларнинг ишчи-хизматчилари билан ойллик иш ҳақларини пластик карточкаларга ўтқа-зиш юзасидан шартномалар имзоланган. Ҳозиргача 4128 донна пластик карточкалар му-омалага чиқарилди. 120,5 миллион сўмлик иш ҳақи пластик карточкалар орқали айланишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, "Галлабанк"нинг Навоий ми-нтақавий филиалида тилга олса арзийдиган ибратли ишлар кўп. Молия муассасаси дои-мо ўз миқозлари хизматида.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Террорчилар йўқ қилинди

"Ал-Қоида"нинг Ироқдаги филиали раҳбари Абу Мусоб ал-Заркавий йўқ қилинди.



Мамлакат бош вазири Нури ал-Малкиий бу воқеани Ироқ-да терроризмга қарши олиб борилаётган курашнинг катта ютуғи, дея баҳолади. Утган ҳафта Америка ҳаво кучлари Ба-куй шаҳрида махсус амалиёт ўтказди. Хабарларга кўра, Зар-кавий ва унинг етти нафар ёр-дамчилари махсус ерталдада

йиғин ўтказиб, вақтда бомба ҳужумларига урчаб ҳалок бўлган. Унинг жасади бармоқ излари ва ДНК солиштируви орқали аниқланган.

Ал-Заркавий 1966 йил Иорданияда туғилган. У дастлабки террорчилик фаолиятини 1980 йиллар Афғонистонда бош-лаган. Ироқда Садам ҳокимияти ағдарилган, у ерда кўним топиб, террорчиларга раҳнамолик қила бошлаган. Заркавий Иордания ҳуқумати томонидан бир неча бор сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Серташвиш ёмғирлар мавсуми

Ҳитойда кечган бу йилги ёмғир мавсуми юздан зиёд одамнинг умрига зомин бўлди.

Икки ҳафта мобайнида тўхтовсиз ёққан ёмғир мамлакат-нинг жанубий худудларига жиддий зарар етказди. Хабарлар-га кўра, 12 миллионга яқин одам сув тошқини ва ер қўқила-ри худудида яшамокда. Ҳавфли жойлардан 560 миңга яқин аҳоли эвакуация қилинган. Табиий офат етказган моддий зар-рар 7,6 миллиард юан (бир миллиард доллар)га етган. Мута-хассислар фикрига кўра, бундай ёмғирчилик Ҳитойда охи-риги 20 йил ичида кузатилмаган. Биргина Фуджан вилоятида ярим суткада ёққан ёмғир миқдори худуднинг охириги 5 йил-ликдаги ёмғирчилик нормасидан ошиб кетган.

Қалтис қарор

НАТОнинг 200 нафар америкалик ҳарбийлари Ук-раина худудини тэрқ этди.

Шу йилнинг 28 майида Феод-сия портига кириб келган НАТОнинг ўқув кемалари ма-лларнинг аҳоли орасида норози-лик кайфиятини уйғотган эди. 16 кун давом этган антинтод намойишлари "Крим НАТОсиз" шiori остида ўтди.

Украина президенти Виктор Юшенко Крим Мухтор респу-бликасида НАТО-Украина ҳам-корликдаги ҳарбий ўқув маш-қари ўтказишга парламентнинг қўллаб-қувватловисиз рози-лик берган эди. Бу розиликни ақсарит украинликлар кон-ституцияга эид бориш, деб қабул қилишди ва машқлар ўтқа-зилишига қарши чиқишди.

Яқин Шарқда хавотирли кунлар

ХАМАСнинг ҳарбийлашган қаноти "Изаддин ал-Қас-сам" жамоаси Исроилга нисбатан хавотирли қарор қабул қилди.

Жамоа расмийлари Исроил-Фаластин можадорларининг тинч йўл билан ҳал этилмаслигини эълон қилди. Бу баёнот-дан ҳеч қанча вақт ўтмай ХАМАС жангарилари Исроил худуди томон "Қассам" ракеталарини учира бошлаган. Хабарларга кўра, "Изаддин ал-Қассам"нинг бундай йўл тутушига ўтган ҳафтада Фазо секторида юз берган қонли воқеа сабаб бўлган. Исроил ҳарбийлари томонидан Фазода олиб борилган жан-гариларни йўқ қилиш амалиёти вақтида 7 нафар фаластин-лик тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлганди. Улар орасида аёллар ва болалар ҳам борлиги айтилмоқда.

Ширин сўз — жон озиғи

Расмий Техрон "олтилик" (БМТнинг беш расмий аъзоси ва Германия)нинг янги таклифлар пакетига қизиқиб қолди.

Бунда "олтилик" вакиллари Эрончи ядровий дастурдан воз кечишга эмас, балки мамлакат-да электр энергия олиш учун сув билан ишловчи ядровий реактор қуришга қақирган. Эрон ядровий дастурига кўра, электр энергия ишлаб чиқариш мақсадида урани бойитиш кўзда тутилди. Бу эса АҚШ ва Европа фикрича, ядровий қурол

яратишга асос бўлади. Эрон миллий хавфсизлик Олий Кенгаши котиби Али Ла-рихоний сўзларига кўра, муаммоларни бартараф этишнинг энг яхши йўли дўк-пўписалар эмас, балки мана шундай так-лифлардир.

Хайрия марафони

Михаил Горбачёв болаларнинг саратон касаллиги билан оғришига қарши Англияда хайрия аукционини ўтказди.

Ушбу касаллик туфайли ва-фот этган раффикаси Раиса Гор-бачёва номи билан юритилу-чи фонд, мана, бир неча йил-дирки, саратон касаллигига қар-ши курашда мутахассисларга моддий жиҳатдан қўмаклаши-б келади. Аукционга МИГ кирув-чи самолётида парвоз этиш, Горбачёв билан тушиқ қилиш, Россия қамқоқоналарида бир кун тунаш каби антиқа хизматлар сотувга қўйилди. Хайрия марафонига дунёнинг 400 га яқин танкили сийсатчи, қўшиқ-чи, актёр ва адабларни ташриф буюришди.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 13 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бух-галтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юри-тиш, шунингдек, божахона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	914,79	1 Польша злотийси	388,97
1 Англия фунт стерлинги	2253,17	1 СДР	1808,07
1 Дания кронаси	207,19	1 Туркия лираси	794,55

